

ЎБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК 631.312.021

УМАРОВ АБДУМАЖИД АБДУҒАНИЕВИЧ

“ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛАРИ УЧУН ОЗОН
АРАЛАШМАСИНИ ТАЙЁРЛАШ ҚУРИЛМАСИНИ
ЛОЙИХАЛАШ”

5524700- “Автомобилсозлик ва тракторсозлик” мутахассислиги
бўйича магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: т.ф.н. доц.

Носиров И.З.

Андижон - 2015 йил

МУНДАРИЖА

АННОТАЦИЯ	3
КИРИШ	5
Тадқиқотнинг объекти ва предмети;	7
Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари;	7
Тадқиқотнинг илмий янгилиги;	8
Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари;	9
Тадқиқотнинг мавзуси бўйича адабиётлар тахлили;	9
Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи;	10
Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;	10
Иш тузилмасининг тавсифи.	11
1. АСОСИЙ ҚИСМ	11
1.1. Тадқиқот мавзусига таълуқли бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий тахлили	11
1.2. Тадқиқотнинг методикаси ва ишнинг амалий қисми баёни	16
1.3. Тадқиқот олиб боилган иасалани хал этишда магистратура талабасининг шахсий хиссаси кўрсатилган ҳолда атқдимотнинг асосий натижалари баёни.	20
1.4. Ички ёнув двигателлари учун озон аралашмасини тайёрлаш қурилмасини ҳисоблаш	27
1.5. Ички ёнув двигателлари учун озон аралашмасини тайёрлаш қурилмасинининг техник- иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш	56
1.6. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	60
ХУЛОСАЛАР	64
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	66
ИЛОВАЛАР	69

АННОТАЦИЯ

Мазкур магистрлик диссертациясида тадқиқотнинг объекти сифатида ички ёнув двигателининг таъминлаш тизими, предмети сифатида эса- унинг энергетик ва экологик кўрсаткичларини орттириш учун таклиф этилаётган озон аралашмасини тайёрлаш қурилмаси қабул қилинди.

Маълумки, ёнилғини ИЁДда тўла ёниши учун унинг цилиндрларини ёнилғи ва ҳаво аралашмаси билан тўла тўлдириш, ҳамда стехиометрик, ёки камбағал аралашма ҳосил қилиш керак бўлади. Шунинг учун мазкур магистрлик диссертациясининг **мақсади**- автомобилларнинг ИЁДларида ёнилғининг тўла ёнишини таъминлаш ва ишланган газларининг заҳарлилигини камайтириш ҳисобланади.

Автомобилларнинг бензинли ИЁДларнинг таъминлаш тизимида ёнилғи-ҳаво аралашмаси тайёрлананиб цилиндрларга узатилганда цилиндрлар 80-90 % га тўлдирилмоқда. Натижада ёнилғи ҳаво етишмаслиги сабабли тўла ёнмай ташқарига чиқариб юборилмоқда. Цилиндрларни тўла тўлдириш учун ёнилғи- ҳаво аралашмасига автомобилга ўрнатилган махсус қурилма ёрдамида сувли эритма водород ва озон газларига айлантириб, ҳаво филтритдан сўнг цилиндрларга юбориш усули мазкур магистрлик диссертациясида тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади.

Мазкур магистрлик диссертациясида тадқиқотнинг асосий масалалари таклиф этилаётган водород ва озон газларини автомобилнинг бортида тайёрлай оладиган қурилма конструкциясини ишлаб чиқиш, уни ясаш, автомобилларнинг конструктив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни автомобилга ўрнатиш ва унинг кўрсаткичларини аниқлашдан иборат бўлди. Тадқиқотнинг фаразлари сифатида бу газларни автомобиль бортида мавжуд бўлган аккумулятор батареясининг 12 В электр кучланиши эвазига электролизёрдан фойдаланиб ҳосил қилиш, ҳамда унинг ёрдамида унинг манфий томонидан чиқадиган водородни тўғри ҳаво киритиш шлангага улаб цилиндрларга киритиш ва унинг мусбат томонидан чиқадиган тоза

кислородни озонаторга юбоиб, уни озонга айлантириб кейин цилиндрларга узатиш қабул қилинган.

Бизнинг қурилмамизда двигатель цилиндрларига кираётган 146 млн тонна ҳавонинг таркибидаги кислород O_2 ни озон O_3 га айлантирилади. Натижада двигатель цилиндрларидаги бой аралашма ўрнига стехиометрик, ёки камбағал ёнилғи аралашмаси ҳосил бўлади ва натижада ёниш тўла бўлиб, захарли углерод оксиди CO ўрнига, захарсиз углерод 2- оксиди CO_2 , ҳамда сув буғи H_2O ҳосил бўлади. Демак, бизнинг лойиҳамиз нафақат давлатимиз ғазнасига кунига 40 млн сўм соф фойда бериш, балки ундан қимматли ва зарурроқ бўлган атмосферамизни соф ҳолатга сақлашга имкон беради.

1 та қурилмани яшаш, йиғиш, автомобилга ўрнатиш ва синаш жами 1066,8 минг сўмга тушмоқда. Кўзда тутилмаган харажатлар билан унинг нархини 1200 минг сўм деб ҳисоблаймиз. Кейинчалик қурилмани кўпроқ миқдорда ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, унинг таннарни 2-3 марта камайиши мумкин. Қурилма синовлардан ва экспертлар назоратидан ўтгач, унинг техник характеристикаси, дизайни, ўлчамлари ва бошқа томонлари оптималлаштирилади. Чизмалари ГОСТ ва ЕСКД талаблари асосида тайёрланади.

«Нексия» автомобилнинг таклиф этилаётган буғ ва озон аралашмасини узатувчи қурилмаси билан ишлагандаги иқтисодий самарадорлигини аниқладик Унга асосан йиллик иқтисодий самарадорлик 4097492 сўм/йил, қопланиш муддати 0,29 йил ва самарадорлик коэффиценти 3,41 ни ташкил эъди.

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакатимиз 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастури бўйича қилган маърузасига асосан, мамлакатимиз 2013 йилда ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги- 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси- 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси 6,8 фоизни ташкил этди [1].

2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатидан янгиланмоқда. Ана шундай ўзгаришлар ҳисобига ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2013 йилда 24,2 фоизни ташкил этди. Бу 2000 йилда 14, 2 фоиздан иборат эди.

“GM-Ўзбекистан” ЁАЖда 2013 йилда жаҳон андозаларига мос жами 246641 та автомобиль ишлаб чиқарилди. Маҳсулотнинг 157751 таси ўзимизда қолдирилди, 90795 таси экспорт қилинди [2].

Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон давлатларида ҳам Ўзбекистон автомобилларининг харидорлари кўпаймоқда. Нексия, Матиз, Ласетти, Кобальт ҳам харидорлар эътиборини қозонди. 2014 йилда “GM-Ўзбекистан” ЁАЖда технологик модернизация тадбирлари янада жадал давом эттирилади. Чунончи Шевролет Орландо автомобили ишлаб чиқарилмоқда, у 7 кишига мўлжалланган янги русумдаги бу автомобилдир.

2000 йилда 100 та оилага ўртача 20 та енгил автомомобиль тўғри келган бўлса бу 2013 йилда 41,4 тага этди. Мамлакатдаги оилаларнинг 11 фоиздан ортиғи иккитадан енгил автомомобилларга эга. 2014 йилда саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш йилида Хоразм

вилоятида ДАМАС русумли энгил автомобиллар ишлаб чиқариш ташкил этилди [3].

И.А.Каримовнинг “Жахон молиявий- инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари” китобида ёритилишича, бугунги кунда иқтисодий-тимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилмоқда [4].

Бу дастурда умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларида зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаларини бажариш режалаштирилган. Жумладан, бунда янги қурилиш лойиҳалари- 18,5 миллиард долларни, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 миллиард долларни ташкил қилади. Дастурга киритилиши мўлжалланаётган бу лойиҳалар авваламбор ёнилғи- энергетика, кимё, нефт- газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, энгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва бошқа соҳаларга тегишлидир [5].

Бугунги кунда Асака шаҳридаги “GM-Ўзбекистан” ЁАЖдан 7 та русумли энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу автомобилларнинг сифат кўрсаткичларини дунё стандартларига тўла жавоб беришини таъминлаш зарур. Автомобилларимиздан дунёнинг қайси чеккасида фойдаланилса ҳам, уларнинг эксплуатацион хусусиятларини юқори бўлишини ва узоқ вақт бузилмай ишлашини таъминлашимиз керак бўлади.

Бу борадаги ишлар автомобилсозлик соҳасида тинмай илмий- конструкторлик ишларини олиб бораётган мутахассислар зиммасига юкланади. Жумладан, Андижон машинасозлик институтининг «Автомобилсозлик» кафедраси олимлари ҳам бу борада “GM-Ўзбекистан” ЁАЖда ишлаб чиқарилаётган ва чиқарилиши режалаштирилаётган автомобиллар устида тинмай, уларнинг конструктор- изланувчилари билан

автомобилларнинг конструкцияси ва ишончилигини ошириш бўйича ҳамкорликда изланишлар олиб бормоқдалар.

Кафедра олимларига биз 5A310501- “Автомобилсозлик ва тракторсозлик” йўналишидаги талабалар автомобилларни ишлаб чиқариш, уларни такомиллаштириш ва ишлатишни яхшилаш бўйича яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар. Жумладан мен, Умаров А. ҳам бу ишларга хисса қўшиш йўлида мазкур диссертация ишини “Ички ёнув двигателига буғ ва озон аралашмасини узатувчи қурилма лойиҳаси” мавзуси бўйича бажардим.

Халқ хўжалигининг асосий вазифаларидан бири автомобиль транспортини ривожлантириш ва унинг иш унумдорлигини оширишдан иборат. Автомобиль мустаҳкамлиги, ишончилиги, самарадорлиги, узоқ вақт ишончли ишлаши асосан уни эксплуатациясида ишлатиладиган материалларнинг сифатига боғлиқ. Автомобиль эксплуатациясига бўлган харажатларнинг 50- 60 % ни ёнилғига бўлган харажат ташкил этади.

Шу сабабли нефть ёнилғиларини тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган лойиҳалар янада устивор бўлиб бормоқда. Жахонда нефть маҳсулотлари инқирозининг борган сари қулоч отиб бораётган пайтда Ўзбекистонда бундай буғ ва озон гази ёнилғисини ишлаб чиқариш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан саналади, чунки Республикамизда ишлаб чиқарилаётган транспорт воситаларига бензинли ва дизелли ИЁДлари ўрнатилмоқда. Уларни самарали ишлатиш учун давлатимизнинг ички шароитини ҳисобга олган ҳолда, буғ ва озон гази ишлаб чиқариш йўллари топиш ва жорий этиш ғоятда самарали ва кечиктириб бўлмайдиган инновацион таклифдир. Демак, мен мазкур ишни нафақат БМИда автомобиллар учун дунёдаги буғ ва озон гази олиш технологияларини тўла таҳлил қилиб чиқиб, уларнинг ичидан энг мақбулини танлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Мазкур магистрлик диссертациясида тадқиқотнинг объекти сифатида ички ёнув двигателининг таъминлаш тизими, предмети сифатида эса- унинг энергетик ва экологик

кўрсаткичларини орттириш учун таклиф этилаётган озон аралашмасини тайёрлаш қурилмаси қабул қилинди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Маълумки, ёнилғини ИЁДда тўла ёниши учун унинг цилиндрларини ёнилғи ва ҳаво аралашмаси билан тўла тўлдириш, ҳамда стехиометрик, ёки камбағал аралашма ҳосил қилиш керак бўлади. Шунинг учун мазкур магистрлик диссертациясининг **мақсади**-автомобилларнинг ИЁДларида ёнилғининг тўла ёнишини таъминлаш ва ишланган газларининг заҳарлилигини камайтириш ҳисобланади.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш керак бўлади:

- ИЁДларининг цилиндрларини ёнилғи ва ҳаво аралашмаси билан тўла тўлдириш йўллари таҳлил қилиш;
- Цилиндрларга кираётган ҳавонинг миқдорини орттириш йўллари таҳлил қилиш;
- Цилиндрларга кираётган ҳавонинг таркибига ёнилғини яхши оксидлай оладиган моддаларни қўшиш йўллари топиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Автомобилларнинг бензинли ИЁДларнинг таъминлаш тизимида ёнилғи- ҳаво аралашмаси тайёрлананиб цилиндрларга узатилганда цилиндрлар 80- 90 % га тўлдирилмоқда. Натижада ёнилғи ҳаво етишмаслиги сабабли тўла ёнмай ташқарига чиқариб юборилмоқда. Цилиндрларни тўла тўлдириш учун ёнилғи- ҳаво аралашмасига автомобилга ўрнатилган махсус қурилма ёрдамида сувли эритма водород ва озон газларига айлантириб, ҳаво фильтридан сўнг цилиндрларга юбориш усули мазкур магистрлик диссертациясида тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳисобланади [6].

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Мазкур магистрлик диссертациясида тадқиқотнинг асосий масалалари таклиф этилаётган водород ва озон газларини автомобилнинг бортида тайёрлай оладиган қурилма конструкциясини ишлаб чиқиш, уни ясаш, автомобилларнинг конструктив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни автомобилга ўрнатиш

ва унинг кўрсаткичларини аниқлашдан иборат бўлди. Тадқиқотнинг фаразлари сифатида бу газларни автомобиль бортида мавжуд бўлган аккумулятор батареясининг 12 В электр кучланиши эвазига электролизёрдан фойдаланиб ҳосил қилиш, ҳамда унинг ёрдамида унинг манфий томонидан чиқадиган водородни тўғри ҳаво киритиш шлангага улаб цилиндрларга киритиш ва унинг мусбат томонидан чиқадиган тоза кислородни озонаторга юбоиб, уни озонга айлантириб кейин цилиндрларга узатиш қабул қилинган.

Тадқиқотнинг мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили. Техникада турли мақсадлар учун электролизёрдан фойдаланиб водород, кислород ва уларнинг аралашмаси (Браун гази)ни ҳосил қилиш маълум, лекин улар катта кучланишларда ишлайди ва уларнинг ўлчамлари катта бўлиб, асосан стационар ҳолатда ишлайдиган қурилмаларда қўлланилади. Автомобилларда қўлланиладиган электролизёрда эса- 12 В ток эвазига кам миқдорда фақат Браун гази ҳосил қилиниб, унинг самарадорлиги биз таклиф этаётган қурилмадан ожизлик қилади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Мазкур магистрлик диссертациясида тадқиқотларни бажариш методикаси қуйидагича бўлди:

- Мавзу бўйича тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқлаш;
- Уларнинг камчиликларини ўрганиш;
- Тадқиқотнинг объекти ва предмети бўйича патент изланишларини олиб бориш;
- Тадқиқотнинг объекти ва предмети бўйича адабиётлар таҳлилинини ўтказиш;
- Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилаш;
- Тадқиқотнинг асосий масалалари қўйиш ва фаразларини топиш;
- Тадқиқотнинг илмий янгилигини топиш;
- Илмий янгиликнинг назарий қисмини ишлаб чиқиш;
- Илмий янгиликнинг амалий, иқтисодий ва экологик аҳамияти аниқлаш;

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур магистрлик диссертациясини бажаришда асосланган, топилган ва ўлчамлари асосланган водород ва озон газларини автомобилнинг бортида тайёрлай олиш усулининг ҳозиргача маълум бўлган усуллардан тубдан фарқланиши ва қурилмасининг конструкцияси ҳам ҳозиргача адабиётларда қайд этилмаганлиги катта назарий, ҳамда амалий аҳамият касб этади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Мазкур магистрлик диссертацияси қуйидаги боб ва қисмлардан ташкил топган:

КИРИШ.

- Тадқиқотнинг объекти ва предмети;
- Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари;
- Тадқиқотнинг илмий янгилиги;
- Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари;
- Тадқиқотнинг мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили;
- Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи;
- Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;
- Иш тузилмасининг тавсифи.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тадқиқот мавзусига таъллуқли бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлили

Тадқиқотнинг методикаси ва ишнинг амалий қисми баёни

Тадқиқот олиб боилган иасалани ҳал этишда магистратура талабасининг шахсий хиссаси кўрсатилган ҳолда атқдимотнинг асосий натижалари баёни.

ХУЛОСА

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ИЛОВАЛАР

1. АСОСИЙ ҚИСМ

1.1. Тадқиқот мавзусига таълуқли бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлили

Дунёнинг кўплаб давлатларида экологик тоза, қайта тикланувчи энергия манбаъларидан фойдаланиш, уларни автомобилларда қўллаш бўйича ишлар олиб борилган [7...10]. жумладан бизнинг институтда ҳам бу соҳада илмий конструкторлик ишлари олиб борилмоқда [11,12].

Шу мақсадда ҳозирги кунгача дунёда мавжуд бўлган буғ ва озон генераторлари конструкцияларини таҳлил қилиб чиқдик:

1991 йилда Карл Вельц дунёда 1- бўлиб буғ ва озон аралашмасини тайёрловчи қурилма (1- расм) ихтиро қилди [13].




1- расм. Карл Вельцнинг озон аралашмасини тайёрловчи қурилмаси

Бу қурилма сувни қайнатиб, унинг буғидаги кислородни озонга айлантириб берган. Дунёда 1- бўлиб сериялаб ишлаб чиқарилган EPG 2000 буғ ва озон аралашмасини узатувчи қурилма (2- расм) пресланган кетма- кет юпка пўлат стеклоармир толадан иборат бўлиб, узунлиги 14 дюйм, диаметри 5 дюйм эди [14].



2- расм. EPG 2000 буғ ва озон аралашмасини узатувчи курилма

Шунга ўхшаш буғ- озон генераторлари яна кўплаб ишлаб чиқарилган ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланилган. Буғ- озон генераторларини автомобилларда дунёда 1- бўлиб Шаймуратов А. қўллаган [15]. Унинг таъкидлашича, агар ИЁДнинг ёниш камерасига оддий ҳаво ўрнига озон аралашмасини юборсак, ёнилғи сарфи ва ишланган газларнинг заҳарлилиги камаяди. Лекин бу ҳаммаси эмас! Бундай генераторнинг ишлашида пластинкали электрод томонидан кучли оргон оқими нурланади, яъни бизда озон- буғ газы хосил бўлади (3,4- расмлар).




3- расм. Шаймуратов А.ни буғ- озон генераторининг схемаси



4- расм. Шаймуратов А.нинг буғ- озон генератори

Самара шаҳридаги (Россия) “Нитрон” КБ академиги В.Дудишев ҳар қандай углеводород ёнилғисини юқори кучланиш таъсирида ёндириш усулини таклиф этди (5- расм). Унга асосан буғ ва озон аралашмасининг осон алангаланишини таъминлаш учун гомоген ва вихрли аралашма ҳосил қилиб, уни ҳаво билан газлаштириб горелканинг учига майда қилиб сепиш керак бўлади [16,17].



5- расм. В.Дудишевнинг буғ ва озон генератори




6- расм. В.Дудишевнинг автомобилга ўрнатилган буғ ва озон қурилмаси

Бу қурилмани автомобилга ўрнатиб синовлардан ўтказдилди, уларнинг натижаларига кўра буғ ва озон қурилмаси ёнилғи сарфини камайтиришга, двигател қувватини орттиришга ва ишланган газларнинг заҳарлилигини камайтиришга имкон берди.

Бу қурилма шу пайтгача дунёда ясалган барча буғ ва озон генераторларидан анча мукаммал бўлиб чиқди, бунга сабаб бу қурилмада бир йўла 3 та ёнишга ёрдам берувчи жараёнлар бирлаштирилган: электроосмотик насос— буғлатгич, ёнилғини термик кавитацион буғлатгич ва вихрли аралаштиргич. Юқори кучланишли майдон буғ ва озонни ёнишига ёрдам беради.

Бунги кунда бундай буғ- озон генераторлари дунёнинг турли фирмалари томонидан кўплаб ишлаб чиқарилмоқда (7- расм), уларнинг конструкциялари ва ишлаш тарзи турли тумандир [18-25]. Биз улар ичидан энг мақбулини, яъни В.Дудишевнинг буғ ва озон қурилмасини танладик.



7- расм. В.Дудишевнинг автомобилга ўрнатилган буғ ва озон қурилмасининг ишлаш схемаси



8- расм. Автомобилларга ўрнатилётган буғ ва озон қурилмалари

1.2. Тадқиқотнинг методикаси ва ишнинг амалий қисми баёни

Двигателнинг қувват ва тежамкорлик кўрсаткичларига турли хил омиллар таъсирини аниқлаш мақсадида унинг иссиқлик ҳисоби бажарилди. Ушбу диссертация ишида двигателнинг поршенида бармоқ ўқи симметрик жойлашган (мавжуд) вариантни поршенда бармоқ ўқининг асимметрик жойлашган вариантга ўтказишда двигателнинг кўрсаткичлари ўзгариб кетади. Шунинг учун мазкур такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш мақсадида, “Nexia” автомобили двигатели мисолида иссиқлик ҳисобини бажарамиз. Бундан кўзда тутилган мақсад, “Nexia” автомобили двигателининг поршенида бармоқ ўқининг симметрик ва асимметрик жойлашувида ишлаганида кўрсаткичларини, уларга таъсир этувчи куч ва моментларни аниқлаш, шунингдек поршенда бармоқ ўқининг асимметрик жойлашувига тегишли айрим муаммоли ечимларни ҳал қилишдан иборат.

Ҳар қандай ёнилғини ёққанда атроф муҳитга ҳар хил ёниш чиқиндилари ажралиб чиқади. Бу чиқиндилар киши саломатлигига ва атроф муҳитга катта таъсир кўрсатади. Шаҳардаги заводлар, фабрикалар ва автотранспорт корхоналари атроф муҳитни ифлослантирувчи асосий манбалардир. Агарда завод ва фабрикалар бир аниқ жойда жойлашиб, шу ерни ифлослантиради, автомобиллар эса қаерда ишласа ўша ерни ифлослантиради. Демак, атроф муҳитни сақлаш ва нефт маҳсулотларини тежаш учун Ўзбекистонда бундай буғ ва озон гази ёнилғисини ишлаб чиқариш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан саналади, чунки Республикамизда ишлаб чиқарилаётган транспорт воситаларига бензинли ва дизелли ИЁДлари ўрнатилмоқда. Уларни самарали ишлатиш учун давлатимизнинг ички шароитини ҳисобга олган ҳолда дунёдаги мавжуд буғ ва озон гази олиш қурилмаларини тўла таҳлил қилиб чиқиб, уларнинг ичидан энг мақбулини танлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Ёнилғини ИЁДда тўла ёниши учун унинг цилиндрларини ёнилғи ва ҳаво аралашмаси билан тўла тўлдириш керак, ҳамда стехиометрик ёнилғи- ҳаво

аралашмаси, ёки камбағал аралашма ҳосил қилиш керак бўлади. Ҳозирда кўчаларда ҳаракатланаётган автомобилларнинг 80 % да ҳаво етишмаслиги, ёнилғини тўла ёнмаслиги туфайли заҳарли газлар ҳосил бўлади [26].


Бу борадаги ишлар автомобилсозлик соҳасида тинмай илмий-конструкторлик ишларини олиб бораётган мутахассислар зиммасига юкланади. Жумладан, Андижон машинасозлик институтида “GM-Узбекистан” ЁАЖда ишлаб чиқарилаётган ва чиқарилиши режалаштирилаётган автомобиллар устида тинмай изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, мен қуйидаги буғ ва озон аралашмасини тайёрлаб ИЁДга узатувчи қурилмани таклиф этдим (8- расм).

Бунда ишланган газларнинг 40-50% сўндиргичнинг юқори қисмидаги тешик орқали 1- трубкадан 1-2 литрли сув бакига юборилади. Ишланган газлар сув тубида филтрланиб, ўзи билан сув буғларини қўшиб, иккинчи трубка орқали двигателнинг киритиш коллекторига йўналади. ИЁДнинг киритиш шлангига озонатор ўрнатилган бўлиб, у қираётган ҳаво таркибидаги кислород O_2 ни озон O_3 га айлантириб беради [27].

Озон, ишланган газлар, ёнмай қолган ёнилғи буғлари ва сув буғининг аралашмаси сунъий туман ҳолида цилиндрлар ичига киритилиб, ёниш жараёнини тубдан яхшилайдди. Натижада двигатель тежамкор ишлайди, қуввати ортади ва ишланган газлар таркибидаги углерод оксидининг миқдори бир неча бор камаяди.

Озонатор цилиндрлик шаклга эга бўлиб, унинг ички юзаси юпқа металл тунука билан қопланган, унинг ўқ чизиғи бўйлаб эса валга парракчалар жойлаштирилган (10,11- расмлар). Цилиндрнинг ички юзасига манфий 12 Вольт, ўқда жойлашаган парракчаларга эса 30 кВольтли мусбат кучланиш берилади. Натижада парракчаларнинг учликларидан чакмоқ чақилади. Бунда двигатель цилиндрларига қираётган ҳаво таркибидаги кислород (20,9 %) юқори кучланиш эвазига озон O_3 га айланади. Озон O_3 ионлашган ҳолатда бўлиб, кислород O_2 га нисбатан ёнилғининг ёнишига кўпроқ ёрдам беради. Бунинг эвазига двигателнинг цилиндрлари ёнилғи аралашмаси билан тўла


тўлдирилади ва ёнилғи тўла ёнади. Натижада двигателнинг қуввати 15 % га, ёнилғи тежамкорлиги 20 % га ортади ва ишланган газлар таркибидаги углерод оксиди CO камида 2 мартага камаяди.



9- расм. Озон ва буғ аралашмасини тайёрлаб ИЁДга узатувчи қурилма



10-расм. «Нексия» автомобилнинг ҳаво шлангига ўрнатилган озонатор



11-расм. Ҳаво шлангига ўрнатилган озонаторнинг тузилиши

1.3. Тадқиқот олиб борилган масалани ҳал этишда магистратура талабасининг шахсий хиссаси кўрсатилган ҳолда тақдимотнинг асосий натижалари баёни

“Автомобилсозлик” кафедраси томонидан 2013- 2014 ўқув йили мобайнида илмий- тадқиқот ишларини такомиллаштириш, ҳамда сифатини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, кафедранинг барча ходимлари ўз фаолиятларини ташкил қилиш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти, олий мажлис, вазирлар маҳкамасининг, ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ихтиёридаги кафедраларнинг илмий фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қарорларига асосланган ҳолда шунингдек, институт ректори ва институтнинг илмий кенгаши қабул қилган қарорларига биноан фаолият кўрсатди.

Шу вақт орасида кафедрада “Автомобилларда ёнилғи сарфини ва ишланган газларнинг заҳарлилигини камайитишда ишланган газлар ва сувдан фойдаланишни жорий этиш” мавзуси бўйича илмий- тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу илмий тадқиқот иши бўйича 6 та илмий мақола ва 10 та маърузалар тезислари чоп этирилди, 1та ихтирога буюртма, 2та рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди [28]. Ясалган қурилмалар “Келажак овози” ва “Юрт келажаги” кўрикларида намойиш этилиб, вилоятда ва Республикада 1- 2 ўринларни эгалладилар. Шунингдек, БМТнинг тараққиёт дастури доирасидаги Глобал экологик фонднинг эътирофига сазовор бўлди. Ҳозирги кунда уларнинг грантини қўлга киритиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Қурилма қуйидагича ишлайди: ишланган газлар (12- расм) трубка 1 орқали сув бакининг 2 тубига юборилади. Сув остидан газ сув буғини кўшиб, чиқиш трубкаси 3 орқали реактор 4 га юборилади. Реакторнинг 4 тубига электролизер (13- расм) ва ўртасига озонатор (14- расм) ўрнатилган. Электролизер 12 вольтли аккумулятордан 5 озиқланади, озонатор эса 30

кВольтли юқори кучланишли ток билан ишлайди. Юқори кучланиш ёндириш ғалтаги 6 ва электрон блок 7 ёрдамида хосил қилинади.



12- расм. Озон ва сув буғи аралашмасини хосил қилиш қурилмаси




13- расм. Электролизер

Бу буғ ва озон генераторига юқори кучланиш (30-40 кВ) махсус электрон блок 6 ёрдамида берилади. Бу электрон блок аккумулятордаги 12 В кучланишни шундай юқори кучланишга айлантириш учун махсус ясалган.



14- расм. Озон хосил қилувчи электродлар



15- расм. Озон аралашмасини тайёрлаб ИЁДга узатувчи қурилма

Реакторга ўрнатилган электролизерга 1 (15- расм) 10 % ли NaOH қуйилган бўлиб, у 12 В ли кучланиш таъсирида ННО гази ишлаб чиқаради. Бу газ тепага қўталилиб 30 кВ кучланишда ишлаётган озонатор 2 орасидан ўтади. Натижада бу газ таркибидаги кислород О атоми озон O_3 га айланади.

Реакторнинг юқори қисмида жойлашган 1- трубка (16- расм) орқали водород (НН), 2- трубка орқали озон ИЁДнинг ҳаво киритиш шлангига (10- расм) юборилади ва цилиндрларга киритилдади. Бу аралашма цилиндрлар ичида одатий ёнилғи аралашмаси билан аралашиб, цилиндрларни тўла тўлдиради.



16- расм. Озон аралашмасини тайёрлаб ИЁДга узатувчи қурилма

Натижада двигателнинг қуввати 15 % га, ёнилғи тежамкорлиги 20 % га ортади ва ишланган газлар таркибидаги углерод оксиди СО камида 2 мартага камаяди.

Республикамизда 10 млн та ИЁД бўлса (2 тактли мотоцикл двигателлари билан ҳисобланганда) [29], уларнинг ҳар бирига кунига ўртача 10 кг шартли ёнилғи ишлатилса, жами 100 минг тонна ёнилғи сарфланмоқда. Агар биз таклиф этаётган қурилма жорий этилиб, ўртача 20 % ёнилғи иқтисод қилинса, кунинга 20 минг тонна ёнилғи тежаб қолинади. Бу эса 40 млн сўм соф фойда беради. Маълумки 1 кг бензинни тўла ёниши учун 14,8 кг ва дизелли ёнилғини ёниши учун 14,4 кг ҳаво керак бўлади. Демак, ҳар кун автомобиллар ўртача $10 \text{ млн} \times 14,6 \text{ кг} = 146 \text{ млн тонна}$ ҳавони ютиб юборишини ва ишланган газлар таркибида ўртача 3 % захарли углерод

оксиди СО чиқишини ҳисобга олсак- кунига 146 млн $\times$ 3 % = 4 млн 380 минг тонна углерод оксиди СО билан атмосферамиз заҳарланмоқда.

Бизнинг қурилмамизда двигатель цилиндрларига кираётган 146 млн тонна ҳавонинг таркибидаги кислород O_2 ни озон O_3 га айлантирилади. Натижада двигатель цилиндрларидаги бой аралашма ўрнига стехиометрик, ёки камбағал ёнилғи аралашмаси ҳосил бўлади ва натижада ёниш тўла бўлиб, заҳарли углерод оксиди СО ўрнига, заҳарсиз углерод 2- оксиди CO_2 , ҳамда сув буғи H_2O ҳосил бўлади. Демак, бизнинг лойиҳамиз нафақат давлатимиз ғазнасига кунига 40 млн сўм соф фойда бериш, балки ундан қимматли ва зарурроқ бўлган атмосферамизни соф ҳолатга сақлашга имкон беради.

1- жадв..

«Нексия» автомобилига ўрнатилган буғ ва озон генератори таннархининг ташкил этувчилари

№	Материал номи	Ўлч. бирл.	Миқдори	Нархи, минг сўм	Жами, минг сўм	Сарф тури
1.	Сув баки	дона	1	20	20	Яшаш
2.	Мис трубка, диаметри 12 мм	м	2	10	20	Сотиб олиш, яшаш
3.	Мис трубка, диаметри 10 мм	м	2	10	20	Сотиб олиш, яшаш
4.	Резина шланг, диаметри 12 мм	м	2	5	10	Сотиб олиш, қирқиш
5.	Резина шланг, диаметри 10 мм	м	2	5	10	Сотиб олиш, қирқиш
6.	Кран, диаметри 12 мм	дона	1	5	5	Сотиб олиш, ўрнатиш
7.	Кран, диаметри 10 мм	дона	1	6	6	Сотиб олиш, ўрнатиш

8.	Қайтаргич клапан	дона	2	10	20	Сотиб олиш, ўрнатиш
9.	Озонатор	дона	2	50	100	Сотиб олиш, яшаш
10.	Реактор	дона	1	200	200	Сотиб олиш, яшаш
11.	Ёндириш ғалтаги	дона	1	40	40	Сотиб олиш, ўрнатиш
12.	Электрон блок	дона	1	100	100	Сотиб олиш, ўрнатиш
13.	Электр сими	м	2	5	10	Сотиб олиш, улаш
14.	Юқори кучланишли электр сими	м	2	10	20	Сотиб олиш, улаш
15.	Хомутлар	дона	4	2	8	Сотиб олиш, қотириш
16.	Қурилмани йиғиш	дона	1	50	50	Йиғиш, синаш
17.	Автомобилга ўрнатиш	дона	1	50	50	Ўрнатиш, созлаш
18.	Қурилмани синовдан ўтказиш	дона	1	200	200	Синаш
19.	Жами			708	889	
20.	Устама харажатлар	%	20	141,6	177,8	
	Ҳаммаси			849,6	1066,8	

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1 та қурилмани яшаш, йиғиш, автомобилга ўрнатиш ва синаш жами 1066,8 минг сўмга тушмоқда. Кўзда тутилмаган харажатлар билан унинг нархини 1200 минг сўм деб ҳисоблаймиз. Кейинчалик қурилмани кўпроқ миқдорда ишлаб чиқариш

йўлга қўйилса, унинг таннарни 2-3 марта камайиши мумкин. Қурилма синовлардан ва экспертлар назоратидан ўтгач, унинг техник характеристикаси, дизайни₁ ўлчамлари ва бошқа томонлари оптималлаштирилади. Чизмалари ГОСТ ва ЕСКД талаблари асосида тайёрланади.

1.4. Ички ёнув двигателлари учун озон аралашмасини тайёрлаш қурилмасини ҳисоблаш

“Дамас” автомобилида ёнилғи сифатида бензин қўлланилади. Бензин карбюраторда тайёрланиб, киритиш қувурлар орқали цилиндрга узатилаётган бензин майда томчилар ва бугга айлантирилиб, ҳаво билан аралаштирилади, натижада ёнувчи аралашма ҳосил қилинади. Цилиндрларга киритилган ёнувчи аралашма олдинги чиқариш жараёнидан цилиндрда қолган ишланган газлар билан аралашиб, иш аралашмани ҳосил қилинади. Ишчи аралашмага кирувчи моддаларнинг миқдорини бевосита аниқлашнинг имконияти йўқлиги туфайли, ҳамма мулоҳазаларни цилиндрларга киритилаётган ёнувчи аралашмага қаратамиз.

Ёнувчи аралашманинг таркиби ҳавонинг ортиқлик коэффиценти (α) билан баҳоланади. Ёнилғининг ёниш жараёнида иштирок этаётган ҳақиқий ҳаво миқдорини ($L_{\text{ҳақ}}$), ёнилғини тўла ёниши учун зарур бўладиган назарий ҳаво миқдorigа ($L_{\text{наз}}$) нисбати ҳавонинг ортиқлик коэффиценти дейилади.

Ҳар хил ёнилғиларнинг тўла ёниши ҳар хил бўлиб, улар турлича назарий миқдордаги ҳавони талаб қилади. 1 кг бензиннинг тўла ёниши учун назарий жиҳатдан меъёрий атмосфера босими ва 20 °C ҳароратда 14,8 кг ҳаво керак бўлади. Бундай назарий тўғри таркибдаги аралашма ($\alpha=1$) меъёрий (стехиометрик) аралашма дейилади.

1 кг ёнилғи тўла ёниб бўлганда ҳосил бўладиган иссиқлик миқдори иссиқлик бериш қобилияти деб аталади. 1 кг бензин тўла ёниб бўлганда 44.000- 46.000 кЖ иссиқлик энергияси ҳосил бўлади. Ҳавонинг ортиқлик коэффиценти карбюраторли двигателларнинг иш маромига қараб 0,85...1,15 бўлади. Агар $\alpha=1$ бўлса, меъёрий миқдор, $\alpha<1$ бўлса- бой, $\alpha > 1$ бўлса- камбағал аралашма дейилади.

Двигатель энг катта қувватда ишлаш учун ҳавонинг ортиқлик коэффиценти $\alpha=0,85...0,90$ бўлиши керак. Аралашма ҳосил қилиш учун ёнилғи ва ҳавонинг миқдори 1:13 бўлса, бой аралашма бўлади. Бунда ёнилғи сарфи кўпаяди, лекин двигателнинг қуввати ортади. Агар ёнилғи ва ҳавонинг миқдори 1:13 дан кам бўлса ($\alpha=0,85$) аралашманинг ёниш тезлиги ва қуввати

пасаяди. Бундай аралашма камбағал аралашма бўлади. 1кг бензинга 16 кг ҳаво тўғри келса ($\alpha=1,1$), бундай аралашмада бензин тўла ёниб, двигателнинг қуввати ошади ва ёнилғи тежалади. Аралашмада ёнилғи ва ҳавонинг миқдори 1:18 бўлса, ёниш жуда сустлашади. Двигателнинг қуввати ва тежамкорлиги ҳам пасаяди. Агар аралашмада 1 кг бензинга 6 кг ($\alpha=0,4$). ёки 20 кг ($\alpha=1,35$) ҳаво тўғри келса, бунда ёнилғи алангаланмайди.

Юқоридаги кўрсаткилар автомобиль ва двигателнинг соз ҳолатига тўғри келади, лекин, ҳар хил омиллар ҳисобига улар кўпинча тўла соз бўлмайди. Карбюраторнинг носоз бўлишига сабаблар- қалқовучли камерадаги ёнилғи сатҳининг ўзгариши, жиклёрнинг ифлосланиши, ейилиши, ёнилғи клапанини ўриндиққа яхши ўтирмаслиги, экономайзернинг носозлиги, ёнилғи ўтказгичларни, филтрлар, бакни кирланиб қолиши ва уларга сув қўшилиб қолиши, ҳамда ёнилғи беришнинг камайиши, ёки мутлақо келмай қолиши, шунингдек, карбюраторининг ишламай қолиши- двигателнинг қуввати ва ёнилғи тежамкорлигини 10- 20 % га пасайиб кетишига олиб келади.

“Дамас”автомобилини ИЁДнинг ёнилғи насоси учун меъёридаги босим 0.17- 0.23 мПа бўлади. Ёнилғи сарфини аниқлаш учун 527 Б асбобини уланган жойидан ажратиб олиб унинг ўрнига эгилувчан ичакли ёнилғи сарфини ўлчагич (расходомер) ўрнатади. Санаш давридаги сарфланган ёнилғининг миқдори ва тахометр кўрсатадиган (л/100км) ёнилғи сарфи миқдори автомобилнинг маълум тезлик билан қарама- қарши ҳаракатланишига (юришига) боғлиқдир. Двигатель салт ишланганда ишланган газ миқдори газоанализатор асбоби ёрдамида аниқланади. Автомобилларнинг сўндиргичларидан чиқаётган ишланган газлар миқдори- сўндиргичнинг оғзига 30-40 мм га зонт таёқчасини киритиб, икки босқичда аниқланади: I- босқич двигателнинг салт ишлаганида ва II- босқич двигатель тирсакли валининг катта айланишлар сони билан ишлаганида текширилади. Автомобиллардан чиқаётган ишланган газларнинг таркибидаги углерод оксиди (CO) ва углеводородлар миқдори (CH) Евро-4 меёрларидан оортиб кетмаслиги керак [30].

Автомобиллардан чиқаётган ишланган газларнинг таркиби

Стандарты, ограничивающие токсичность ОГ для автомобилей категории М в странах Европы, (г/км)						
Дизельный двигатель						
Стандарт	Год	СО	НС	НС+NO _x	NO _x	PM
EURO-1	1992.07	2.72	-	0.97	-	0.14
EURO-2	1996.01	1.0	-	0.7	-	0.08
EURO-3	2000.01	0.64	-	0.56	0.50	0.05
EURO-4	2005.01	0.50	-	0.30	0.25	0.025
Бензиновый						
EURO-1	1992.07	2.72	-	0.97	-	-
EURO-2	1996.01	2.2	-	0.5	-	-
EURO-3	2000.01	2.30	0.20	-	0.15	-
EURO-4	2005.01	1.0	0.10	-	0.08	-

Институтда “Нексия”, “Дамас”, “Спарк”, “Матиз” ва “Дамас” автомобилларининг ёнилғи сарфи, иш ресурси, унинг деталларининг ишдан чиқиш сабабларини аниқлаш ва ҳосил бўлган носозликларни бартараф қилиш йўллари топиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдамиз. Олиб борилган тадқиқот ишлари натижалари ва статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу автомобилларнинг ёнилғи тежамкорлиги нисбатан юқори, яъни улар ҳар 100 км масофада 5...8 л ёнилғи сарфламоқда ва бу кўрсаткич бўйича ўзимизда ишлатилаётган бошқа енгил автомобиллардан устунлиги билан ажралиб турибди, лекин уларнинг ичида “Дамас” автомобилида техник характеристикасида кўрсатилган ҳар 100 км га 5,4 л эмас балки, 7,5...8 л ёнилғи сарфланмоқда. Маълумки, бензин тақчиллиги муносабати билан, кўплаб автомобиллар, жумладан “Дамас” автомобиллари бугунги кунда кўпроқ сиқилган газда ишлатилмоқда. Шунинг учун бензинда ва сиқилган газда ишлатилаётган “Дамас” автомобилларини текшириб кўрдик:

“Дамас” автомобилларидан чиқаётган ишланган газлар таркиби

Айланишлар сони	CO, %		CH, г/м ³	
	Бензинда	Сиқилган газда	Бензинда	Сиқилган газда
$n_{\min}$	2,4	0.29	0,25	0,11...0,14
$n_{\max}$	2,0	0.22	0,19	0,10...0,12

Эслатма: Двигатель тирсакли валининг $n_{\max}$ айланишлар сони, автомобиллардан фойдаланишдаги техник шартлари ва конструкциясида кўрсатилган. Давлат атмосферани назорат қилиш ходимлари томонидан углерод оксиди (CO) – миқдори текшириляётганда (тирсакли валнинг айланишлар сони $n_{\min}$ бўлганда), унинг миқдори 3 % дан ошмаслиги керак.

Ёнилғи тежамкорлигини ошириш энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолганлигини ҳисобга олиб “Дамас” автомобилнинг ёнилғи тежамкорлигини ошириш мақсадида унинг ИЁД ёнилғи таъминот тизимини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бордик. Изланишлар натижаси институт ихтиёридаги шундай автомобилларда синаб кўрилди.

Двигателнинг қувват ва тежамкорлик кўрсаткичларига турли хил омиллар таъсирини аниқлаш мақсадида унинг иссиқлик ҳисоби бажарилди. Ушбу битирув-малакавий ишида ҳам бензинли двигател таъминлаш тизимини водород ва озон газлари қўшилган бензин ёнилғисига ўтказишда кўрсаткичлар ўзгариши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш мақсадида, “Nexia” автомобили двигатели мисолида иссиқлик ҳисобини бажарамиз. Бундан кўзда тутилган мақсад, “Nexia” автомобили двигателини бензин ва водород ва озон газлари қўшилган бензинда ишлаган пайтларидаги кўрсаткичларини аниқлаш, асосий узел ва агрегатларга таъсир этувчи куч ва моментларни аниқлаш, шунингдек водород ва озон газлари қўшилган бензин жихозларига тегишли айрим муаммоли ечимларни ҳал қилишдан иборат.

Иссиқлик ҳисоби термодинамиканинг тенгламаларига ва реал шароитда ишлаб турган двигателларни синашда олинган сон қийматларига асосланади. Ҳисоблар пайтида ўзининг бир қатор асосий кўрсаткичлари бўйича такомиллаштирилаётганига яқин бўлган двигателни синашда олинган маълумотлардан қанчалик кўп фойдаланилса, иссиқлик ҳисобининг натижалари ҳақиқатга шунчалик яқин бўлади. Иссиқлик ҳисобини двигател бензин ва водород ва озон газлари қўшилган бензин ёнилғисида ишлаган пайтлари учун биргаликда амалга оширамыз.

Иссиқлик ҳисоби, двигател ишчи цилиндрларида содир бўладиган киритиш, сиқиш, ёниш, кенгайиш ва чиқариш жараёнларини ҳисоблашдан бошланади.

Двигател иссиқлик ҳисобини бажаришда қуйидаги кўрсаткичларни асос қилиб олинади:

Такомиллаштирилаётган двигател	- NEXIA двигатели
Ҳисобий қуввати, N_n , кВт	- 55
Тирсакли валининг айл/час, $\Pi_n^{\text{айл}}/\text{мин}$	
айланишлар частотаси,	- 5400
Ташқи муҳит ҳарорати, T_o , K	- 288
Сиқиш даражаси, ϵ	- 8,6 ва 9,6
Цилиндрлар сони, i	- 4
Цилиндрлар диаметри ва поршен йўли, D ва S , мм	- 76,5 мм; 81,5 мм
Ишчи ҳажм, литражи, V_n , л	- 1,5
Ёнилғи	- Бензин Ai-91,
Водород ва озон газлари қўшилган бензин – метан	
Ёнилғининг пастки солиштира иссиқлиги Q_n	- Бензин учун 43930 $\text{кДж}/\text{кг}$
Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун	35000 $\text{кДж}/\text{м}^3$
Ёнилғининг ўртача элементар таркиби	- Бензин учун $C = 0,855$; $H = 0,145$
Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун	$C = 0,753$; $H = 0,247$
Ташқи муҳит босими, P_o , МПа	- 0,1
Ҳавонинг ортиқчалик коэффициенти, α	- бензин учун 0,95

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун 1,0

Янги зарядни цилиндрга қизиши, $\Delta T - 20 \text{ }^{\circ}\text{C}$

Чиқариш охиридаги босим ва ҳарорат, $P_r, T_r - 0,11 \text{ МПа}; 950 \text{ K}$

Иссиқлик ҳисобини NEXIA двигатели учун бензин ва водород ва озон газлари қўшилган бензин ёниғисиди ишлаган шароитлари учун биргаликда олиб борамиз.

Энди двигател цилиндрларида содир бўладиган айрим жараёнларни ҳисоблашга киришамиз.

Кириштиш жараёни

Кириштиш жараёни охиридаги P_a босимни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз.

$$P_a = \frac{\eta_v \cdot P(\varepsilon - 1)T_o^1 + P_r \cdot T_o}{\varepsilon \cdot T_o}, \quad \text{МПа}$$

бу ерда: η_v – тўлдириш коэффициентини. Унинг қиймати кириштиш йўлининг қаршилигини, айланишар частотаси ва сиқиб даражаси қийматини ҳисобга олган ҳолда бензин учун $\eta_v = 0,7$ ва водород ва озон газлари қўшилган бензин учун $\eta_v = 0,75$ деб қабул қилиб оламиз;

$T_o, P_o, \varepsilon, P_r$ – мос равишда ташқи муҳит ҳарорат ва босими, сиқиб даражаси ва қолдиқ водород ва озон газлари қўшилган бензинлар босими бўлиб, уларнинг қийматларини аввалроқ қабул қилиб олинган эди, яъни $T_o = 288 \text{ K}$, $P_o = 0,1 \text{ МПа}$, $\varepsilon = 8,6$ ва $9,6$, $P_r = 0,11 \text{ МПа}$;

T_o^1 – янги заряднинг ҳарорати. Унинг қийматини қуйидагича топилади:

$$T_o^1 = T_o + \Delta t = 288 + 20 = 308 \text{ K}$$

Энди топилганларни, қабул қилинганларни ва берилганларни ўрнига қўйиб, топамиз:

$$P_a = \frac{0,7 \cdot 0,1(8,6 - 1) \cdot 308 + 0,11 \cdot 288}{8,6 \cdot 288} = 0,084$$

Бензин учун:

водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$P_a = \frac{0,75 \cdot 0,1(9,6-1) \cdot 308 + 0,11 \cdot 288}{9,6 \cdot 288} = 0,0884$$

Водород ва озон водород ва озон газлари қўшилган бензинларига айлантириб, ҳаво филтридан сўнг

Кириштиш жараёни охиридаги T_a ҳароратни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаб оламиз:

Бензин учун:

$$Ta_1 = \frac{T_o^1}{1 - \frac{P_r}{\varepsilon \cdot Pa} \left(1 - \frac{T_o^1}{T_r}\right)} = \frac{308}{1 - \frac{0,11}{8,6 \cdot 0,084} \left(1 - \frac{308}{950}\right)} = 343 \quad Ta_1 = 343 \text{ K}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$Ta_2 = \frac{308}{1 - \frac{0,11}{9,6 \cdot 0,088} \left(1 - \frac{308}{950}\right)} = 336 \quad Ta_2 = 343 \text{ K}$$

Сиқиш жараёни

Политропик сиқишнинг ўртача кўрсаткичи n_1 қийматини бензин учун $n_1 = 1,38$ ва водород ва озон газлари қўшилган бензин учун $n_1 = 1,37$ деб қабул қилиб оламиз.

Энди сиқиш охиридаги P_c босимни топамиз:

$$\text{Бензин учун: } Pc_1 = Pa_1 \cdot \varepsilon_1^{n_1} = 0,084 \cdot 8,6^{1,38} = 1,41 \quad Pc_1 = 1,41 \text{ МПа}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$Pc_2 = Pa_2 \cdot \varepsilon_2^{n_2} = 0,088 \cdot 9,6^{1,37} = 1,48 \quad Pc_2 = 1,48 \text{ МПа}$$

Сиқиш жараёни охиридаги T_c ҳароратни қуйидаги формуладан фойдаланиб топамиз:

$$\text{Бензин учун: } Tc_1 = Ta_1 \cdot \varepsilon_1^{n_1-1} = 343 \cdot 8,6^{1,38-1} = 555 \quad Tc_1 = 555 \text{ K}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$Tc_2 = Ta_2 \cdot \varepsilon_2^{n_2-1} = 336 \cdot 9^{1,37-1} = 561 \quad Tc_1 = 561 \text{ K}$$

Ёниш жараёни

Энг аввало ишчи жисмнинг кўрсаткичларини аниқлаб оламиз. 1 кг ёнилғини ва 1 кмол водород ва озон газлари қўшилган бензинни тўла ёниши учун керак бўлган ҳавонинг назарий миқдорини аниқлаб оламиз:

$$\text{Бензин учун: } L'_H = \frac{1}{0,23} \left(\frac{8}{3} C + 8H - O \right) = \frac{1}{0,23} \left(\frac{8}{3} \cdot 0,855 + 8 \cdot 0,145 - 0 \right) = 14,9 \text{ кг}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$L'_{O_2} = \frac{1}{0,21} \cdot C H_4 = \frac{1}{0,21} \left[\left(1 + \frac{4}{4} - \frac{0}{2} \right) \right] = 10 \text{ кг}$$

ёки бу миқдор киломолларда:

$$\text{Бензин учун: } L_0 = \frac{L'_0}{29} = \frac{14,9}{29} = 0,51 \text{ кмол}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$L_0 = \frac{L'_0}{29} = \frac{10}{29} = 0,35 \text{ кмол}$$

Янги заряднинг, яъни ёнувчи аралашманинг миқдорини топамиз:

Бензин учун:

$$M_2^1 = \alpha_1 \cdot L_{O_1} + \frac{H}{4} + \frac{O}{32} + 0,21 \cdot L_0 (1 - \alpha) = 0,95 \cdot 0,514 + \frac{0,145}{4} + \frac{0}{32} + 0,21 \cdot 0,514 (1 - 0,95) = 0,524 \text{ кмол}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$M_1 = M_{C_{O_2}} + M_{H_2} + M_{O_2} + M_{N_2} = 1 + 2 + 8,73 + 0 = 11,43 \text{ кмол}$$

Бу ерда: M_{CO_2}

- карбонад ангедрид миқдори:

$$M_{CO_2} = n \cdot CH_4 = 1 \cdot 1 = 1 \text{ кмол}$$

M_{CO_2}

- сув буги миқдори:

$$M_{CO_2} = n \cdot CH_4 = 2 \cdot 1 = 2 \text{ кмол}$$

M_{N_2}

- азот миқдори

$$M_{N_2} = 0,792 \cdot \alpha \cdot L_0 + N_2 = 0,792 \cdot 0,05 \cdot 10 = 8,43 \text{ кмол}$$

$$M_{O_2}$$

- кислород миқдори. Водород ва озон газлари қўшилган бензин ёнилғисида кислород бўлмаганлиги учун сабабли, унинг

$$M_{O_2} = 0$$

миқдори га тенг.

Водород ва озон газлари қўшилган бензинларнинг ёнишдан кейинги моллар сонини топамиз:

$$M_{2_1} = +M_1 + M_{K_1} = 0,524 + 0,03 = 0,554 \text{ кмол}$$

Бензин учун:

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$M_{2_2} = +M_1 + M_{K_2} = 11,43 + 0,02 = 11,45 \text{ кмол}$$

Қолдиқ водород ва озон газлари қўшилган бензинлар коэффиценти қийматини аниқлаб оламиз:

$$\text{Бензин учун: } \gamma_1 = \frac{P_r \cdot T_o}{P_o \cdot T_o \cdot \eta_v (\varepsilon_1 - 1)} = \frac{0,11 \cdot 288}{0,1 \cdot 288 \cdot 0,7 (8,6 - 1)} = 0,062$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$\gamma = \frac{0,11 \cdot 288}{0,1 \cdot 22 \cdot 0,75 (9,6 - 1)} = 0,052$$

Энди қолдиқ водород ва озон газлари қўшилган бензинлар моллар сонини аниқлаймиз:

$$\text{Бензин учун: } M_{K_1} = \alpha_1 \cdot \gamma_1 \cdot L_0 = 0,95 + 0,062 \cdot 0,514 = 0,03 \text{ кмол}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$M_{K_2} = \alpha_2 \cdot \gamma_2 \cdot L_{O_2} = 1,05 + 0,052 \cdot 0,35 = 0,02 \text{ кмол}$$

Ишчи аралашма молекуляр ўзгаришнинг ҳисобий коэффиценти қийматини аниқлаймиз:

$$\text{Бензин учун: } \beta_1 = \frac{M_2}{M_1} = \frac{0,554}{0,524} = 1,06 \quad \beta_1 = 1,06$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$\beta_2 = \frac{M_2}{M_1} = \frac{11,45}{8,43} = 1,09 \quad \beta_2 = 1,09$$

Бензинли ва водород ва озон газлари қўшилган бензин ёнилғисида ишловчи двигателлар учун сиқиш охирдаги янги зарядни ўртача молекуляр иссиқлик сифимини шундай аниқланади: Бензин учун:

$$\bar{\mu} cv_{c_1} = 20,16 + 1,74 \cdot 10^{-3} T_c = 20,16 + 1,74 \cdot 10^{-3} \cdot 555 = 21,12 \text{ кж/кмол.град}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$\bar{\mu} cv_{c_2} = 20,16 + 1,74 \cdot 10^{-3} T_{c_2} = 20,16 + 1,74 \cdot 10^{-3} \cdot 561 = 21,14 \text{ кж/кмол.град}$$

Бензинли двигателларда суюқ ёнилғининг ёниш маҳсулотлари учун ўзгармас ҳажмдаги ўртача молекуляр иссиқлик сифимини қуйидагича топилади:

$$\begin{aligned} \bar{\mu} cv_{c_1} &= (18,4 + 2,6\alpha) + (15,5 + 13,8 \cdot \alpha) \cdot 10^{-4} \cdot T_z = \\ &= (18,4 + 2,6 \cdot 0,95) + (15,5 + 13,8 \cdot 0,95) \cdot 10^{-4} \cdot T_z = 21,0 + 16,8 \cdot 10^{-4} T_z \text{ кж / кмол. град} \end{aligned}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин ёнилғисининг ёниш маҳсулотлари учун ўзгармас ҳажмдаги ўртача молекуляр иссиқлик сифимини қуйидагича топилади:

$$\begin{aligned} \bar{\mu} cv_{c_1} &= \frac{1}{M_2} [N_{CO_2} (\mu_{cv_z}^{CO_2}) + M_{CO} (\mu_{cv_z}^{CO}) + M_{H_2O} (\mu_{cv_z}^{H_2O}) + M_{N_2} (\mu_{cv_z}^{N_2})] = \\ &= \frac{1}{11,45} [1(39,123 + 0,00355 T_z) + 0,5(20,597 + 0,00267 T_z) + 2] \times \\ &\quad \times (26,67 + 0,00444 T_z) + 8,43(21,951 + 0,00145 T_z) = 35,4 + 0,0049 T_z \end{aligned}$$

Бу ерда:

$M_1, M_{CO}, M_{CO}, M_{H_2}, M_{N_2}$ - мос равишда водород ва озон газлари қўшилган бензинларнинг умумий, CO_2 , CO , H_2O , H_2 ва N_2 ларнинг миқдори бўлиб, уларнинг қийматларини аввалроқ аниқланган эди;

$\mu_{cv_z}^{CO_2}, \mu_{cv_z}^{CO}, \mu_{cv_z}^{H_2O}, \mu_{cv_z}^{H_2}, \mu_{cv_z}^{N_2}$ - мос равишда CO_2 , CO , H_2O , H_2 , N_2 водород ва озон газлари қўшилган бензинларининг ўртача молекуляр иссиқлик сифимлари бўлиб, уларнинг қийматлари шундай аниқланади:

$$\mu_{cv_z}^{CO_2} = 39,123 + 0,00335 \cdot T_z;$$

$$\mu_{cv_z}^{CO} = 20,597 + 0,00267 \cdot T_z;$$

$$\mu_{cv_z}^{H_2O} = 26,67 + 0,00444 \cdot T_z;$$

$$\mu_{cv_z}^{H_2} = 20,684 + 0,00206 \cdot T_z;$$

$$\mu_{cv_z}^{N_2} = 21,951 + 0,00145 \cdot T_z;$$

Иссиқликдан фойдаланиш коэффициентини ζ қийматини бензин учун 0,85 ва водород ва озон газлари қўшилган бензин учун 0,93 деб қабул қилиб оламиз.

Ёнишнинг кимёвий тўлиқмаслиги ҳисобига йўқотилган иссиқлик миқдори:

$$\text{Бензин учун: } \Delta Q_n = 119950(1 - \alpha) \cdot L_o = 119950(1 - 0,9) \cdot 0,516 = 6189 \text{ кЖс / кг}$$

Ҳисоблаб топилган ва қабул қилиб олинган қийматларни ёниш тенгламасига қўйиб, бензинли ва водород ва озон газлари қўшилган бензинли двигателлар учун ёниш охиридаги T_z ҳарорат аниқланади:

$$\text{Бензинли двигател учун: } \beta_1 \cdot \bar{\mu} cv_{z_1} \cdot T_{z_1} = \bar{\mu} cv_{o_1} \cdot T_{c_1} + \frac{\zeta_1 \cdot (Q_n - \Delta Q_n)}{\alpha_1 L_o (1 + \gamma_1)}$$

$$1,06(21 + 0,00168 T_z) T_z = 21,12 \cdot 555 + \frac{0,95(43930 - 6189)}{0,95 \cdot 0,514(1 + 0,062)}$$

$$0,0018 \cdot T_{z_1}^2 + 22,3 T_z - 89700 = 0$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензинли двигател учун:

$$\beta_2 \cdot \bar{\mu} cv_{z_2} \cdot T_{z_2} = \bar{\mu} cv_{o_2} \cdot T_{c_2} + \frac{\zeta_2 \cdot Q_n}{\alpha_2 L_o (1 + \gamma_2)}$$

$$1,09(35,4 + 0,0049 T_z) T_z = 21,14 \cdot 561 + \frac{0,93 \cdot 43930}{1,06 \cdot 0,354(1 + 0,052)}$$

$$0,0054 \cdot T_{z_1}^2 + 38,6 T_z - 114900 = 0$$

Ҳосил бўлган квадрат тенгламаларни T_z га нисбатан ечиб, ёниш охиридаги T_z ҳароратнинг якуний қийматини топамиз:

Бензин учун: $T_{z_1} = 2820 \text{ K}$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун: $T_{z_2} = 2580 \text{ K}$

Энди ёниш охиридаги P_z босимни топамиз:

$$\text{Бензин учун: } \rho_{z_1}^1 = P_{c_1} \cdot \beta_1 \cdot \frac{T_z}{T_c} = 1,41 \cdot 1,06 \cdot \frac{2820}{555} = 5,4 \text{ МПа}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$\rho_{z_2}^1 = P_{c_2} \cdot \beta_2 \cdot \frac{T_{z_2}}{T_{c_2}} = 1,48 \cdot 1,09 \cdot \frac{2580}{561} = 4,8 \text{ МПа}$$

Ёниш охиридаги ҳақиқий максимал босимни топамиз:

$$\text{Бензин учун: } \rho_{z_1} = 0,85 \cdot P_{z_1}^1 = 0,85 \cdot 5,4 = 4,6 \text{ МПа} \quad \rho_{z_1} = 4,6 \text{ МПа}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$\rho_{z_2} = 0,85 \cdot P_{z_2}^1 = 0,85 \cdot 4,8 = 4,1 \text{ МПа} \quad \rho_{z_2} = 4,1 \text{ МПа}$$

Босимнинг ортиш даражасини аниқлаймиз:

$$\text{Бензин учун: } \lambda_1 = \frac{P_{z_1}}{P_{c_1}} = \frac{5,4}{1,41} = 3,83 \quad \lambda_1 = 3,83$$

$$\text{Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун: } \lambda_2 = \frac{P_{z_2}}{P_{c_2}} = \frac{4,1}{1,48} = 3,2$$

Кенгайиш жараёни

Двигателнинг берилган параметрлари учун политропик кенгайишнинг ўртача кўрсаткичи бензинли двигател учун $n_2 = 1,30$ ва водород ва озон газлари қўшилган бензинли двигател учун $n_2 = 1,28$ деб қабул қилиб оламиз.

Энди кенгайиш охиридаги P_b босимни топамиз:

$$\text{Бензин учун: } \rho_{e_1} = \frac{P_{z_1}}{\varepsilon_1^{n_2}} = \frac{4,6}{8,6^{1,30}} = \frac{4,6}{16,86} = 0,28 \quad \rho_{e_1} = 0,28 \text{ МПа}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$\rho_{e_2} = \frac{P_{z_2}}{\varepsilon_2^{n_2}} = \frac{4,1}{9,6^{1,28}} = \frac{4,1}{15,9} = 0,26 \quad \rho_{e_2} = 0,26 \text{ МПа}$$

Кенгайиш жараёни охиридаги T_{ε} ҳароратни қуйидаги ифодадан фойдаланиб топамиз:

$$\text{Бензин учун: } T_{\varepsilon_1} = \frac{T_{z_1}}{\varepsilon_1^{n_2-1}} = \frac{2820}{8,6^{1,26-1}} = \frac{2820}{1,91} = 14,80 \quad T_{\varepsilon_1} = 1480 \text{ K}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

$$T_{\varepsilon_2} = \frac{T_{z_2}}{\varepsilon_2^{n_2-1}} = \frac{2580}{9,6^{1,26-1}} = \frac{2580}{1,88} = 13,70 \quad T_{\varepsilon_2} = 1370 \text{ K}$$

Чиқариш жараёни

Бу жараённинг кўрсаткичларини аввалги жараёнларни ҳисобларда топилиб фойдаланилганлиги учун, бу жойга уларнинг якуний сон қийматларини кўчириб ёзиб қўйиш кифоя қилади деб ҳисоблаймиз, яъни:

$$\text{Бензин учун: } P_r = 0,11 \text{ МПа; } T_r = 950 \text{ K; } V_r = V_{\varepsilon}; \quad \gamma = 0,062$$

$$\text{Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун: } P_r = 0,11 \text{ МПа; } T_r = 950 \text{ K; } V_r = V_{\varepsilon}; \quad \gamma = 0,052$$

Двигател ишчи циклининг кўрсаткичларини аниқлаш

Циклининг назарий ўртача индикатор босимни қуйидаги ифодадан фойдаланиб топилади:

Бензин учун:

$$\begin{aligned} P'_{i_1} &= \frac{P_{c1}}{(\varepsilon_1 - 1)} \left[\frac{\lambda_1}{n_2 - 1} \left(1 - \frac{1}{\varepsilon_2^{n_2-1}} \right) - \frac{1}{n_1 - 1} \left(1 - \frac{1}{\varepsilon_1^{n_1-1}} \right) \right] = \\ &= \frac{1,41}{(8,6 - 1)} \left[\frac{3,83}{1,30 - 1} \left(1 - \frac{1}{8,6^{1,30-1}} \right) - \frac{1}{1,38 - 1} \left(1 - \frac{1}{8,6^{1,38-1}} \right) \right] = 1,12 \text{ МПа} \end{aligned}$$

Водород ва озон газлари қўшилган бензин учун:

